2016 ЙИЛ 7 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 255 (13.318)

Баҳоси эркин нархда

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Хитой Ҳукумати ва халқи, шунингдек, шахсан ўз номимдан Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриклайман. Сиз Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов бошлаб берган йўлни давом эттиришингиз ва ривожлантиришингиз, давлат қурилиши соҳасида янги муваффақиятларга эришишингизга ишонаман.

Хитой билан Ўзбекистон самимий ва бир-бирига ишонадиган яқин қўшни, қалин дўст ва ишончли шериклардир. Сиёсий ишонч, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик алоқалари мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган кундан бошлаб муваффақиятли ривожланмоқда. Жорий йилда икки томонлама муносабатларнинг ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилгани Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги серқирра ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун янада кенг имкониятлар очиб берди.

Мен Хитой – Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаман, Сиз билан яқин ҳамкорликда Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, мамлакатларимиз ва халқларимиз келажаги учун янги йўллар очиш борасида биргаликда саъй-ҳаракатлар қилишга тайёрман.

Сизга давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар ва мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Ўзбекистонга равнақ, куч-қудрат, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Си ЦЗИНЬПИН,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва бир-бирини тушунишга асосланган юксак даражадаги қардошлик муносабатлари мамлакатларимизнинг халқларимиз фаровонлиги йўлидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий, маданий-гуманитар ва бошқа йўналишларда ўрнатилган самарали ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини тўлиқ тасдиқлайди.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват, қардош Ўзбекистон халқининг тинчлиги, фаровонлиги ва тараққиёти учун олий давлат лавозимида улкан муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром ила,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Қозоғистон халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалаба қозонганингиз билан самимий табриклайман.

Ишончим комилки, бўлиб ўтган сайлов натижалари Ўзбекистон халқининг фуқаролар фаровонлигини ва халқаро майдонда мамлакат нуфузини янада ошириш борасида Сиз амалга ошираётган ишларга ишониши ва қўллаб-қувватлашидан далолат беради. Сизнинг Президент этиб сайланишингиз билан қардош Ўзбекистонда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган кенг қўламли ўзгаришлар давом эттирилишига аминман.

Қозоғистон минтақа давлатлари билан дўстона муносабатларни давом эттириш ва жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича Сиз амалга ошираётган ишларни юксак баҳолайди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Самарқанддаги учрашувимизни мамнуният билан эслайман. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз Қозоғистон билан Ўзбекистоннинг стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ўзаро манфаатли асосда чуқурлаштириш ва кенгайтиришга янги туртки беришига ишонаман.

Икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлигимиз катта салоҳиятга эга. Биз сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда кенг кўламли муносабатлар бўйича амалий мулоқотга тайёрмиз. Мамлакатларимиз делегацияларининг сентябрдаги учрашувдан кейин ўтган қисқа вақт ичидаги ўзаро ташрифлари ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Янги таҳдид ва хавфларга қарши курашда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида Қозоғистон бундан буён ҳам Марказий Осиёда самарали ҳамкорлик асоси сифатида мамлакатларимиз ўртасидаги иттифоқчилик ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш тарафдори.

Фурсатдан фойдаланиб, мулоқотимизни Остонада давом эттириш ва Сизга қулай бўлган вақтда Қозоғистонга давлат ташрифи билан келишни таклиф этаман.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

(Давоми 3-бетда)

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов ўртасида 2016 йил 6 декабрь куни телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Туркманистон Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ишончли ғалабаси билан самимий табриклади.

Суҳбат чоғида ўзбек ва туркман халқларининг тарихи муштараклиги, маънавий ва маданий қадриятлари яқинлиги таъкидланди.

Мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги серқирра ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболли йўналишларини муҳокама этиб, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари дўстлик, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик принципларига асосланган юксак даражадаги давлатлараро муносабатларни мамнуният билан қайд этиб, бундан буён ҳам сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда амалий ва очиқ мулоқотларни фаол давом эттиришга қатъий ишонч билдирдилар.

Томонлар мамлакатларимиз хўжалик субъектлари ва етакчи компаниялари ўртасида амалий алоқалар ҳамда яқин ҳамкорлик сезиларли равишда фаоллашаётгани, шунингдек, ҳамкорликдаги ишларда амалий натижаларга эришилганини мамнуният билан таъкидладилар.

Гурбангули Бердимуҳамедов Шавкат Мирзиёевга ўзи учун қулай бўлган вақтда Туркманистонга расмий ташриф билан келишини таклиф этди. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Суҳбат самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон ўртасида Туркия томонининг ташаббуси билан 2016 йил 6 декабрь куни телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Режеп Таййип Эрдўғон Шавкат Мирзиёевни 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан самимий табриклади.

Давлат раҳбарлари давлатлараро муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этди ва 18 ноябрда Самарқандда олий даражада ўтган Ўзбекистон – Туркия ўртасидаги серқирра мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга тайёр эканини таъкидладилар.

Туркия раҳбари Туркия делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи давомида самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Томонлар бугунги икки томонлама муносабатлар ўзбек ва турк халқларининг тарихи ҳамда маънавияти муштараклигининг мустаҳкам асосига таяниши ва ўзаро манфаатларга жавоб берадиган амалий натижаларга эришишни мақсад қилганини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон билан Туркия шериклик муносабатларини иқтисодий, инвестицион-технологик, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги улкан салоҳият инобатга олинган ҳолда, янги мазмун билан бойитиш тарафдори экани қайд этилди.

Томонлар, ташқи сиёсат мақкамалари, вазирликлар ва иқтисодий тузилмалар ўртасида алоқаларни фаоллаштиришдан манфаатдор. Шу муносабат билан яқин вақт ичида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлисини ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Суҳбат чоғида Самарқандда ўтказилган учрашувда эришилган келишувларга мувофиқ Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида ўзаро манфаатли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун муайян соҳалар белгиланди.

Ўзбекистон ва Туркия раҳбарлари ўзаро расмий ташриф алмашишга келишиб олдилар ва шу муносабат билан манфаатдор вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Суҳбат очиқ ва амалий руҳда ўтди.

ЎзА

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев ўртасида Россия томонининг ташаббуси билан 2016 йил 5 декабрь куни телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Россия Ҳукумати Раиси Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан самимий табриклади.

Томонлар яқинда савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича олий ва юксак даражада ўтган учрашувлар доирасида эришилган келишувлар ижросини муҳокама қилди.

Шавкат Мирзиёев ва Дмитрий Медведев Ўзбекистон ва Россия делегацияларининг турли даражадаги амалий ташрифлари якунлари, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича муҳим битимлар тузилганини ижобий баҳолади.

Суҳбат чоғида ўзаро манфаатли барча соҳаларда икки томонлама алоқаларни ривожлантириш ва шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БУЮК ДАВЛАТ ВА СИЁСАТ АРБОБИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ СИЙМОСИ ТАСВИРЛАНГАН ҲАЙКАЛНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИЖОДИЙ ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанимизни узоқ йиллар давом этган мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, халокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Буюк Йўлбошчимиз ғоят оғир ва таҳликали вазиятда турли қийинчилик ва машаққатларга қарамасдан, тарихан қисқа давр мобайнида Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас ва ёркин из қолдирди. У нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди.

Халқимизнинг самимий истаклари ва хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда, она Ватанимиз тараққиёти, эл-юртимиз манфаати йўлидаги унутилмас буюк тарихий хизматларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси ва кенг жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича Халқаро ижодий танловни (кейинги ўринларда Халқаро танлов деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича Халқаро ижодий танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда ташкилий қўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (А.Арипов) ўн беш кун муддатда Халқаро танловнинг тадбирлар режаси, харажатлар сметаси, низоми, регламенти ва дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ Халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Бадиий академиясининг 2016-2017 йиллар учун харажатлар сметасида назарда тутилган бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги ва хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари орқали Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан тақдим қилинган Халқаро танлов ҳамда унда иштирок этиш тартиби тўғрисидаги маълумотларнинг тегишли хорижий ижодий ташкилотларга йигирма кун муддатда етказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташкилий қўмита буюртманомаларига биноан Халқаро танлов ўтказилиши жараёнида таржимонлар иштирокини таъминласин.

6. Ўзбекистон Бадиий академиясининг буюртманомаларига биноан Халқаро танлов доирасида хорижий давлатлардан келтириладиган юклар божхона тўловларидан озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Халқаро танловнинг хорижий қатнашчиларига кириш визаларининг консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

8. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Халқаро танловнинг хорижий қатнашчиларини ва унга алоқадор юкларни тўловларнинг барча турларидан озод қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халқаро танловнинг ғолибларини тақдирлаш билан боғлиқ тадбир ўтказиладиган жойларда жамоат тартибини ҳамда унинг қатнашчилари ва меҳмонларига хизмат кўрсатувчи автотранспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминласин.

10. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Халқаро танлов жараёнларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 2 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 25 ЙИЛ" ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 25 йиллигини нишонлаш ҳамда давлатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларни барпо этишга салмоқли ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларни, Қуролли Кучлар фахрийларини ва хизматчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил" эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил" эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил" эсдалик нишонлари ва уларнинг гувоҳномалари бир ой муддатда белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 ноябрь ПФ-4859-сонли Фармонига 1-илова

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 25 ЙИЛ" ЭСДАЛИК НИШОНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил" эсдалик нишони билан давлатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларни барпо этишга салмоқли ҳисса қўшган шахслар, юқори профессионал маҳорати, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён этган ҳарбий хизматчилар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича жанговар ҳаракатларда иштирок этган, захирага бўшатилган ёки истеъфога чиқарилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажаришда ҳалок бўлган ёхуд ярадор бўлган ва шикастланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари тақдирланадилар.

2. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил" эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони номидан қўшилма командири ва ундан юқори лавозимдаги шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.


Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

3. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил" эсдалик нишони мукофотланганларга куч ишлатувчи тузилмалар вазирлик ва идоралари раҳбарларининг буйруқларига асосан топширилади.

4. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил" эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 ноябрь ПФ-4859-сонли Фармонига 2-илова

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 25 ЙИЛ" ЭСДАЛИК НИШОНИ ТАВСИФИ



"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил" эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик нишонининг олд томони марказида таралаётган қуёш нурлари фонида Амир Темур ҳайкали тасвирланган. Унинг орқа томонида Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган қадимги Оқсарой мажмуаси пештоқи акс эттирилган. Эсдалик нишонининг юзасида тасвирланган ҳайкалнинг ўнг ва чап томонида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилган йил ва юбилей йили 1992 – 2017 рақамлари акс эттирилган.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARIGA" сўзлари, пастки қисми марказида эса иккита саккиз қиррали юлдуз оралиғида "25 YIL" ёзуви акс этган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби, пастки қисмининг марказида "2017" ёзуви тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабариқдир.

Эсдалик нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабариқ доира билан ўралган.

Эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангидаги йўллари бўлган 24 миллиметрли шойи лента билан сирилган беш қиррали қадағичга илмоқча ёрдамида уланади. Кўк, оқ ва яшил йўлларнинг эни 7 миллиметрдан, қизил йўлнинг эни эса 1,5 миллиметрдир. Қадағичнинг баландлиги 48, эни 45 миллиметр. Тўғнағичга мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишлари этиб белгилансин:

туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва изчил амалга ошириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш, яратиладиган ялпи ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг улушини кўпайтириш, иш билан бандликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантиришга йўналтирилган туризм фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, туризмнинг ривожланишидаги барча тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, виза ва рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларини, паспорт ва божхона назоратини соддалаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмини, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ҳисобига туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш, ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

туризм фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни, биринчи навбатда, БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО), хорижий мамлакатларнинг туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлари – туризм хизматлари минтақавий ва жаҳон бозорларининг фаол иштирокчилари билан ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг туризм соҳасида тартибга солувчи универсал халқаро конвенциялар ва битимлардаги иштироки, туризм фаолияти амалиётига халқаро ва давлатлараро стандартлар ва нормаларни жорий этиш;

республиканинг барча минтақаларида замонавий жаҳон стандартларига, туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган туризм индустрияси объектларини – меҳмонхоналарни ва жойлаштиришнинг шу каби воситаларини, умумий овқатланиш объектларини, транспорт-логистика тузилмаларини, ахборот марказларини, маданият ва спорт муассасаларини жадал ривожлантириш, асосий туризм йўналишлари бўйича йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини, йўлбўйи инфратузилмасини жадал қуриш ва реконструкция қилиш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвесторларни кенг жалб этиш;

халқаро туризм ривожланиши тенденцияларини ва замонавий маркетинг воситалари қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, рақобатбардош туризм маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш, уларни ички ва халқаро туризм бозорларида тарғибот қилиш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш, қулай туризм ахборот муҳитини ташкил этиш ва ривожлантириш, кенг реклама-ахборот фаолиятини амалга ошириш, мамлакат ҳудудларида туризм ахборот марказлари ва чет элда туризм ваколатхоналари очиш, Интернет тармоғидан фаол фойдаланиш, ҳар йили Тошкент халқаро туризм ярмаркасини ўтказиш йўли билан туризм соҳасида мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини шакллантириш;

туризм тармоғи учун, айниқса менежмент ва маркетинг соҳасида малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар (экскурсия етакчилари) тайёрлаш, туризм фаолияти субъектлари ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

2. Тугатилаётган "Ўзбектуризм" Миллий компанияси негизида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси зиммасига қуйидаги функциялар:

туризм тураператорлик фаолиятини лицензиялаш;

Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш бўйича миллий органи – "Ўзстандарт" агентлиги билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорликда туризм фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган тураператорлик (туризм маҳсулотлари) хизматлари ва меҳмонхона хизматларини мажбурий сертификатлаш, шу жумладан турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги меҳмонхоналарнинг (мотелларнинг) таснифини белгилаш;

сертификатланадиган туризм хизматларининг норматив ҳужжатларда белгиланган мажбурий талаблар ва стандартларга мувофиқлиги бўйича инспекция назоратини амалга ошириш юклансин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаш тизимида аккредитация қилинган туризм хизматларини сертификатлаш бўйича органлар ҳам туризм хизматларининг айрим турларини сертификатлаш субъектлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари, мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар билан биргаликда уч ой муддатда ушбу Фармонда белгиланган туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадлари ва устувор вазифаларидан келиб чиқиб, ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясини, шунингдек 2017-2021 йилларда Концепцияни амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар Дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилансинки, 2017 йил 1 январдан бошлаб:

фақат туризм фаолиятини ташкиллаштиришни таъминлайдиган туризм корхоналари – туризм операторлари, туризм агентликлари, экскурсия ташкилотлари, туризм фирмалари туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи юзасидан лицензияланадилар;

туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия олишда туризм хизматлари сертификати билан тасдиқланган туристлар ва экскурсантларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфсизликни таъминлаш тизимининг мавжудлиги мажбурий лицензия талаби ва шарти ҳисобланади;

меҳмонхоналарда ва жойлаштиришнинг шу каби воситаларида туризм хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишга лицензия мавжуд бўлиши бўйича талабни бекор қилган ҳолда, туризм фаолияти билан боғлиқ бўлган субъектлар – меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинглар ва жойлаштиришнинг шу каби воситалари томонидан кўрсатиладиган туризм хизматлари мажбурий сертификатланади. Бунда 2018 йил 1 январдан бошлаб хорижий туристларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари ва автотранспорт корхоналарини мажбурий сертификатлаш жорий этилади;

гидлар (экскурсия етакчилари), кузатиб борувчи-йўриқчиларнинг хизматлари фақат улар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан бериладиган малака сертификати олгандан кейин жисмоний шахслар ёки юридик шахсларнинг ходимлари томонидан амалга оширилиши мумкин;

туризм корхоналари туризм фаолияти субъектлари билан фақат уларда мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган тақдирда улар томонидан хорижий туристларга туризм хизматлари кўрсатиш юзасидан шартномалар (битимлар) тузиш ҳуқуқига эга.

5. Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва виза тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида 2017 йил 1 апрелдан бошлаб:

туризм мақсадида Ўзбекистон Республикасига 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга келувчи Австралия, Австрия, Буюк Британия, Германия, Дания, Испания, Италия, Канада, Люксембург, Нидерландия, Корея Республикаси, Сингапур, Финляндия, Швейцария ва Япония фуқаролари учун;

55 ёшга тўлган ва туризм мақсадида 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга Ўзбекистон Республикасига келувчи Бельгия Қироллиги, Индонезия, ХХР (туристлар гуруҳлари таркибида), Малайзия, АҚШ, Франция, Вьетнам, Исроил, Польша, Венгрия, Португалия ва Чехиянинг фуқаролари учун виза режими бекор қилинсин.

Белгилансинки:

2017 йил 1 апрелдан бошлаб ушбу бандда кўрсатиб ўтилган хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасига киришда 50 АҚШ доллари миқдорида Давлат бюджетига ўтказиладиган кириш йиғими тўлайдилар;

кириш йиғими тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат мамлакатга кириш учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Марказий банк билан биргаликда 2017 йил 1 мартгача бўлган муддатда хорижий фуқаролар томонидан кириш йиғими тўланиши тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2017 йил 1 январгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун:

барча мамлакатлар учун 30 кун муддатга бериладиган ягона туризм визаларини жорий этиш;

халқаро аэропортларда ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида визаларни олиш, шу жумладан транзит визаларни олиш тартибини сезиларли равишда соддалаштириш;

хорижий мутахассисларнинг Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олиш тартиб-таомилини соддалаштириш ҳамда уларга жисмоний шахсларнинг даромадларидан солиқ тўлаш бўйича имтиёзлар бериш;

визаларни расмийлаштириш ва бериш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, шу жумладан, Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик бошқармасига ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига ташриф буюрмасдан виза олишга ҳужжатларни топшириш ва сўровномаларни тўлдиришда онлайн тизимдан фойдаланиш, шунингдек 2018 йилдан бошлаб электрон визалар тизимини жорий этиш бўйича аниқ таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ўзбекистоннинг чет эллардаги элчихоналари ҳузуридаги савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилар зиммасига миллий туризм маҳсулотларини тарғибот қилиш ва Ўзбекистон Республикасига туристлар оқими кўпайишида кўмаклашиш мажбуриятини юкласинлар.

8. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда:

2017 йил 1 апрелгача бўлган муддатда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларининг халқаро аэропортларида республикага келувчи (кетувчи) хорижий туристлар учун "яшил йўлак" божхона назорати тизимини, паспорт ва божхона назоратидан ўтишнинг, багажни олишнинг, транспорт хизмати кўрсатишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилини жорий этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрсинлар;

республика аэропортлари ва вокзалларида хорижий фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда паспорт назоратидан ўтиш жараёнини тезлаштириш мақсадида резидентлар ва норезидентлар томонидан ушбу тартиб-таомилдан алоҳида-алоҳида ўтишни ташкил этсинлар;

хорижий туристларни кутиб олувчи ёки кузатувчи туризм фаолияти субъектлари ходимларига режим ва қўриқлаш чоралари талабларига риоя этган ҳолда белгиланган тартибда берилган махсус рухсатномалар бўйича аэропортлар ва вокзаллар биноларига кириш ҳуқуқини берсинлар;

аэропортларда ва темир йўл вокзалларида қулай туризм ахборот маконини, шу жумладан туризм-ахборот пунктлари фаолиятини, туризм навигация тизимини, йўналиш олиш белгиларини ўрнатиш ва бошқа шу каби тадбирларни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳисобига йўловчиларга, шу жумладан бепул асосда кўрсатиладиган хизматлар даражаси ва сифатини ошириш чора-тадбирларини тизимли равишда амалга оширсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда меҳмонхоналарда ва бошқа жойлаштириш жойларида яшовчиларни электрон шаклда Интернет тармоғи орқали ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган махсус электрон дастурини яратсин.

10. 2017 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги тартиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳмонхоналарда ва бошқа жойлаштириш жойларида хорижий фуқароларга ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига эга бўлмаган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, жойлаштириш бўйича хизматларга шу жумладан туризм фаолияти субъектлари орқали ҳақ тўлаш фақат эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилади, улар учун тўлов республиканинг таклиф этувчи давлат ва бюджет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно. Бунда туризм йиғими хизматларга ҳақ тўланган валютада тўланади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан туризм операторларига тўловни нақд эркин алмаштириладиган валютада тўлашга рухсат этилади ва бу тўловлар кейинчалик туризм хизматлари учун хорижий шерикларга нақдсиз тўлов учун инкассация қилинади;

туризм операторлари улар томонидан кўрсатиладиган туризм хизматлари учун тушадиган хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод қилинади;

меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш жойлари хорижий фуқароларга кўрсатиладиган туризм хизматлари учун тушадиган хорижий валютадаги тушумнинг 25 фоизини белгиланган тартибда мажбурий сотадилар;

туристларни қабул қиладиган туризм операторлари, шунингдек уларнинг ходимлари туристлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бузилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлишига доир тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидалар бундан мустасно.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тавсия қиладиган туризм инфратузилмаси объектларининг валюта тўловларини қабул қилиш терминаллари билан жиҳозланишини таъминлаш тавсия этилсин.

12. Юридик шахслар белгиланган тартибда сертификатланган камида 4 юлдузли даражадаги меҳмонхона ва мотелларни фойдаланишга топширганда улар юридик шахсларнинг фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан, шунингдек ягона солиқ тўловидан 5 йил муддатга озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, туризм фаолияти субъектлари томонидан туристларни ташиш учун мўлжалланган, сиғими 9 кишидан ортиқ бўлган янги автотранспорт воситалари сотиб олинганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғим сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматининг 3 фоизи миқдорида ундирилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбектуризм" Миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисида" 1992 йил 27 июлдаги ПФ-447-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 2 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон ноёб бир мамлакат бўлиб, унинг ҳудудида энг қадимги тамаддун ва маданиятлар юзага келган, ривожланган, ўз жозибадорлиги жиҳатидан дунёдаги дам олиш ва саёҳатлар учун энг яхши масканлардан қолишмайдиган улкан туризм салоҳиятига эгадир. Бугунги кунда мамлакатимизда 7 мингдан зиёд нодир тарихий ёдгорликлар ва улуғвор ҳамда бетакрор архитектура намуналари мавжуд. Мамлакатнинг сўлим қўриқхоналари ва миллий боғлари унинг бой ва ранг-баранг табиати дурдоналаридир. Мамлакатда миллий маданият, санъат ва ҳунармандчиликнинг кўп асрлик анъаналари авайлаб асраб келинди ва ривожлантирилмоқда. Жаҳонга машҳур миллий таомларимиз ва пазандачилик соҳасидаги анъаналаримиз Шарқ меҳмондўстлигининг рамзи ҳисобланади.

Шунга қарамай, Ўзбекистоннинг туризм инфратузилмаси, туризм хизматлари сифати ва унинг даражаси, шунингдек тармоқни бошқариш тизими глобаллашув ва кескин рақобат шароитида замонавий талабларга мос келмайди. Туризмнинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан орқада қолмоқда.

Ваҳоланки, туризм индустрияси жаҳон иқтисодиётининг энг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади, туризмнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 10 фоиздан кўпроқни ташкил этади, тармоқда жаҳондаги меҳнатга қобилиятли аҳолининг 8 фоизга яқини иш билан банд, туризм хизматлари жаҳон экспортининг 7 фоиздан кўпроғини ташкил этади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган Фармони туризм тармоғини жадал ривожлантиришни таъминлашга, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини беришга, уни мамлакат иқтисодиётини барқарор ўстиришнинг, минтақаларда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда туризм ролини кучайтиришнинг қудратли воситасига айлантиришга қаратилгандир.

Фармонда туризм соҳасида давлат сиёсатининг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтишини белгилаб берадиган ушбу тармоқни тубдан ислоҳ қилиш бўйича мисли кўрилмаган чора-тадбирлар назарда тутилади, қуйидаги асосий мақсадли вазифалар ва устувор йўналишлар белгиланади:

туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, туризмни ривожлантиришдаги барча тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, виза ва рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларини, паспорт ва божхона назоратини соддалаштириш;

туризм хизматларини ташкил этишда туристлар ва экскурсантларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

туризмнинг янги салоҳиятли турлари – зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмини, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ҳисобига туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш, ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

республика минтақаларида туризм инфратузилмасининг замонавий объектлари, энг аввало меҳмонхоналар, транспорт-логистика тузилмалари, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;

рақобатбардош туризм маҳсулотларини ишлаб чиқиш, минтақаларда янги туризм йўналишларини яратиш, уларни жаҳон туризм бозорларига олиб чиқиш;

туризм тармоғи учун малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш.

Давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадли вазифалар ҳамда устувор йўналишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди, унинг минтақаларда бўлимлари ва ваколатли вакиллари фаолият олиб боради.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолияти энг аввало назорат ва маъмуриятчилик вазифаларини амалга оширишга эмас, балки туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаоллигини кучайтиришга бутун чоралар билан кўмаклашишга, туризмни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган барча ғовлар ва тўсиқларни бартараф этишга, туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантиришга йўналтирилади.

Фармонда туризм соҳасида лицензия бериш, сертификатлаштириш ҳамда бошқа рухсатномалар бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган давлат томонидан бошқариладиган бир қатор принципиал янги механизмлар белгилаб қўйилди.

Жумладан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб туризм фаолиятига лицензия бериш вазифаси Вазирлар Маҳкамасидан янги ташкил қилинган давлат қўмитасига ўтказилади, бунда меҳмонхоналар ва одамлар яшайдиган бошқа жойларнинг лицензия олишлари тўғрисидаги талаб бекор қилинади. Ўз навбатида 2018 йилдан бошлаб хорижий туристларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари ва автотранспорт корхоналарини хорижий туристларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мажбурий сертификатлаш жорий этилади.

Хорижий туристлар учун мамлакатимиз жозибадорлигини ошириш мақсадида давлатнинг виза сиёсатини тубдан либераллаштиришни назарда тутувчи Фармоннинг энг муҳим жиҳати қуйидагилардан иборатдир:

2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб 15 та давлат, шу жумладан Австралия, Австрия, Буюк Британия, Германия, Дания, Испания, Италия, Канада, Люксембург, Нидерландия, Корея Республикаси, Сингапур, Финляндия, Швейцария ва Япония каби давлатларнинг туристлари, шунингдек 55 ёшга тўлган ва туризм мақсадида 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга келувчи 12 давлат, шу жумладан Бельгия, Индонезия, ХХР (туристлар гуруҳлари таркибида), Малайзия, АҚШ, Франция, Вьетнам, Исроил, Польша, Венгрия, Португалия ва Чехиянинг фуқаролари учун виза режими бутунлай бекор қилинади;

барча мамлакатлар учун 30 кун муддатга бериладиган ягона туризм визалари жорий этилади, визалар олиш, шу жумладан виза олиш сўровномаларини тўлдиришнинг онлайн тизимидан фойдаланган ҳолда олиш тартиби сезиларли равишда соддалаштирилади, шунингдек 2018 йилдан бошлаб электрон визалар тизими жорий этилади.

Мазкур тартиб-қоидалар Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги ижобий қиёфасини юқори даражага кўтариш, мамлакатга туристлар оқимини талай даражада кўпайтириш, шунингдек, мазкур соҳадаги ишбилармонлик фаолиятини кучайтириш имконини беради.

Аэропортлар, вокзаллар ҳамда давлат чегараси орқали бошқа ўтиш пунктларида хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини тубдан ошириш хорижий туристларнинг мамлакатга келишларида қулай шарт-шароитлар яратилишининг муҳим омили ҳисобланади. Фармонда шу мақсадларда қуйидагилар назарда тутилади:

2017 йилнинг 1 апрелигача Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларининг халқаро аэропортларида хорижий туристлар учун "яшил йўлак" божхона назорати тизимини, паспорт ва божхона назоратидан ўтишнинг, багажни олишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилини жорий этиш ҳамда транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш;

аэропортлар ва вокзалларда резидентлар ва норезидентларнинг паспорт назоратидан алоҳида-алоҳида ўтишларини ташкил қилиш;

аэропортлар ва темир йўл вокзалларида қулай туризм ахборот маконини, шу жумладан туризм-ахборот пунктлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларни амалга ошириш асосий транспорт узелларида хизматлар кўрсатиш сифатининг энг илғор жаҳон стандартларига мос келишини таъминлашга, мамлакат халқаро аэропортлари ва вокзалларининг рейтингини оширишга қаратилгандир.

Туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаоллигини янада рағбатлантириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туризм ташкилотларига қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш Фармоннинг яна бир муҳим хусусиятидир. Жумладан:

туризм операторлари улар томонидан кўрсатиладиган туризм хизматлари учун тушадиган хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод қилинади;

меҳмонхоналар хорижий валютадаги тушумнинг фақат 25 фоизини белгиланган тартибда мажбурий сотадилар;

хорижий фуқаролар томонидан меҳмонхоналар хизматига ҳақ тўлаш эркин айирбошланадиган валютада амалга оширилади, улар учун тўлов республиканинг давлат ва бюджет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ҳоллар бундан мустасно;

юридик шахслар камида 4 юлдузли даражадаги меҳмонхона ва мотелларни фойдаланишга топширганда улар юридик шахсларнинг фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан, шунингдек ягона солиқ тўловидан 5 йил муддатга озод қилинади;

туризм фаолияти субъектлари томонидан сиғими 9 кишидан ортиқ бўлган янги автотранспорт воситалари сотиб олинганлиги учун Республика йўл жамғармасига йиғим автотранспорт воситалари қийматининг максимал даражадаги 20 фоизи эмас, балки 3 фоизигача миқдорда ундирилади.

Фармонда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига мамфаатдор идоралар билан биргаликда 3 ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини ўрта муддатли истиқболда ривожлантириш Концепциясини, шунингдек 2017-2021 йилларда Концепцияни амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар Дастурини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш вазифаси топширилган.

Фармонни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорда давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилган, давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси ва Низоми тасдиқланди, шунингдек миллий туризм маҳсулотини хорижга намойиш қилиш, туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш ва туризм хизматларини сертификатлаш бўйича бир қатор идоравий ташкилотлар тузилди.

Мазкур Фармонни амалга ошириш иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга, таркибий ўзгартиришлар ва диверсификация қилишга, барча минтақаларни ва турдош тармоқларни комплекс равишда илдам ривожлантиришнинг етакчи кучи бўлиш имкониятига эга мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантиришни таъминлашга, шунингдек Ўзбекистоннинг жозибадор туризм маркази сифатидаги ижобий қиёфасини шакллантиришга бутун чоралар билан кўмаклашади.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалабангиз билан самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашдан мамнунман.

Сизнинг ушбу юксак ва айни пайтда масъулиятли лавозимга сайланганингиз Ўзбекистон халқи Сизнинг юрт фаровонлигини муттасил ошириш, жамиятда тинчлик, барқарорлик ва тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларингизни кенг қўллаб-қувватлаганидан далолат беради.

Тожикистонда Сизни халқларимиз ўртасида дўстлик, яқин қўшничилик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини изчил ривожлантириш тарафдори сифатида яхши билади ва ҳурмат қилади.

Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро самарали ҳамкорлик Шарқнинг буюк мутафаккирлари Жомий ва Навоий замонидан давом этиб келаётган кўп асрлик яқин қўшничилик, дўстлик ва ўзаро ҳурмат ришталари билан боғланган халқларимизнинг туб манфаатларига жавоб беришига ишонаман.

Халқларимизнинг асрлар давомида қарор топган ўзаро муносабатларини сақлаш ва янада ривожлантириш зиммамизга катта масъулият юклайди ва биз Сиз билан биргаликда бу борада барча зарур саъй-ҳаракатларни ишга солишга тайёрмиз.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, Ўзбекистон фаровонлиги йўлида давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизга улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва барқарор тараққиёт тилайман.

Ҳурмат билан,

Имомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноб Президент, қадрли қардошим!

Ўзбекистонда 2016 йил 4 декабрда ўтказилган Президент сайлови натижасида Президентлик лавозимига сайланганингиз муносабати билан халқим ва шахсан ўз номимдан чин кўнгилдан муборакбод этаман.

Дўст ва қардош ўзбек халқининг иродаси намоён бўлган ушбу сайловнинг хотиржам ва ишончли муҳитда ўтганидан бағоят мамнун бўлганимни билдирмоқчиман.

Икки томонлама алоқаларимизни ривожлантириш борасида биз ташлайдиган муштарак одимлар орқали ҳамкорлигимизни қардош халқларимизнинг манфаатига хизмат қиладиган янада юқори босқичга кўтарилишига ишончим комил. 2016 йил 18 ноябрь куни Самарқандга ташрифим халқларимиз ўртасида мозийдан бугунгача етиб келган ришталардан куч олувчи ҳамда ўзаро ҳурмат ва умумий манфаатлар асосида ривожланаётган алоқаларимизни жонлантириши аниқ. Фурсатдан фойдаланиб, Самарқанд шаҳрида менга ва делегациямизга кўрсатилган эътибор ва меҳмондўстлик учун ташаккур айтмоқчиман.

Қардошлик муносабатларимизда янги саҳифа бўлиши учун Сиз Жаноби Олийларини расмий ташриф билан давлатимизга меҳмонга келишингиздан ва мен гўзал юртингизга яна бир бор ташриф буюришдан бағоят бахтиёр бўлишимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва муваффақият, қардош ўзбек халқига тинчлик, фаровонлик ва омонлик тилаб қоламан.

Режеп Таййип ЭРДЎҒОН,
Туркия Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Сиз Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Сизнинг сайланганингиз, Эрон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзоларининг икки томонлама алоқалар кун тартибидаги мақсадлар ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари самара бериши учун яхши фурсат яратади, дея ишонаман.

Сиз Президент лавозимида фаолият кўрсатадиган янги даврда биргаликдаги ҳаракатларимиз шарофати билан икки томонлама муносабатлар халқларимиз ўзаро манфаатдорлиги асосида олдингидан кўра кўпроқ, кун сайин ривожланиши ҳамда минтақавий ва халқаро тинчлик, хавфсизлик мустаҳкамланишининг шоҳиди бўламиз, деб умид қиламан.

Худованди каримдан Сиз Жаноби Олийларига соғлик-саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон ҳукумати, биродар ва дўст халқига тинчлик ва фаровон ҳаёт тилаб қоламан.

Ҳасан РУҲОНИЙ,
Эрон Ислом Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Сиз Жаноби Олийларининг дўст ва биродар Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан Афғонистон халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табрикларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Сизнинг ушбу масъулиятли лавозимга сайланганингиз биродар Ўзбекистон халқининг Сиз Жаноби Олийларига ва Сизнинг мамлакатни ривожлантиришга қаратилган дастурингизга ишончидан далолат беради.

Ҳурматли Президент Жаноблари!

Муштарак маданий ва диний қадриятларга эга бўлган Афғонистон ва Ўзбекистон халқлари мавжуд умумий таҳдидларга қарамасдан, ўзаро дўстлик ва биродарлик алоқаларини сақлаб, бир-бирларини ҳимоя қилиб келмоқдалар.

Мен мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ҳозирги кундаги ривожидан бағоят хурсандман ва ушбу муносабатларнинг тўғридан-тўғри мулоқотлар орқали ҳамда минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида янада мустаҳкамланиши тарафдориман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларини ушбу юксак лавозимга сайланганингиз муносабати билан яна бир бор табриклаб, Сизга мустаҳкам соғлик ва улкан муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига Сизнинг раҳбарлигингизда фаровонлик ва тараққиётга эришишини тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

Муҳаммад Ашраф ҒАНИ,
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Латвия халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриклайман.

Латвия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида бундан буён ҳам ривожланишига ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, Сизнинг масъулиятли фаолиятингизга муваффақият, мамлакатингизга тинчлик, фаровонлик, Ўзбекистон халқига бахт-саодат тилайман.

Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром билан,

Раймондс ВЕЙОНИС,
Латвия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни шахсан ўз номимдан ва Молдова Республикаси халқи номидан Ўзбекистон Республикасининг олий давлат лавозимига сайланганингиз билан самимий табриклайман.

Мамлакатларимизни тарихий дўстлик, шериклик ва ўзаро ёрдам ришталари боғлайди. Халқларимиз Иккинчи жаҳон урушида биргаликда ғалаба қозонган. Молдова ва Ўзбекистон 1966 йил Ўзбекистонда ва 1977 йил Молдовада рўй берган зилзила оқибатларини бартараф этишда бир-бирига ёрдам берган. Кўпмиллатли халқимиз ушбу дўстлик ёрдамини ҳеч қачон унутмайди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатлари бундан буён ҳам давом этишига ишонаман.

Игорь ДОДОН,
Молдова Республикасининг сайланган Президенти

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Илгари парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Парламент вакиллари ўз ишларини **"Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"**ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишдан бошладилар.

Таъкидландики, прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда профилактикасини таъминлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Прокуратура органлари ходимларининг касб байрамини белгилаш прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга, улар томонидан хизмат вазифаларининг виждонан бажарилишини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Шундан сўнг депутатлар **"Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Депутатлар таъкидладиларки, мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштиришга, бошқарувнинг бозор принциплари ва механизмларини жорий этишга, хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хусусий мулк дахлсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилди, хусусий мулкнинг ролини оширишга ҳамда уни ҳимоя қилишга, ишбилармонлик муҳитини ва бизнес юритиш шарт-шароитларини янада яхшилашга қаратилган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 октябрь куни қабул қилинган **"Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур Фармонни амалга оширишга қаратилган қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувлардан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлашни, уларнинг масъулиятини янада эркинлаштиришни ва жиноят ишлари бўйича тафтишлар ўтказишни процессуал жиҳатдан аниқ тартибга солишни назарда тутади.

Муҳокама давомида таъкидландики, қонунда молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъектларини ва уларнинг ходимларини, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган шахсларни, агар етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан қопланган ва ҳуқуқбузарлик оқибатлари ихтиёрий равишда бартараф этилган тақдирда, жавобгарликнинг барча турларидан озод этиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жиноий жазони қўллашга тақиқ белгилаш назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг фикрларига кўра, ушбу нормалар тадбиркорлик субъектларини икки томонлама жазолаш ҳолатларини истисно этибгина қолмай, балки илк бор ҳуқуқбузарлик содир этган ва ўз айбини англаб етган фуқароларга ҳеч қандай салбий оқибатларсиз ўз тадбиркорлик фаолиятини давом эттириш имкониятини беради, бу эса уларнинг ишбилармонлик борасидаги фаоллигини рағбатлантиришга хизмат қилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Солиқ кодексига ҳамда бир қатор бошқа қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида бир қатор қонун ҳужжатларига муқобил текширувларнинг барча турини, шу жумладан, жиноят ишлари бўйича муқобил текширишларнинг барча турини бекор қилишга тааллуқли тузатишлар киритиш назарда тутилади. Бу эса тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текшириш имкониятини истисно этишига олиб келиши муҳимдир.

– Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида катта эркинликлар беришга, иқтисодиётда давлатнинг иштироки даражасини қисқартиришга жиддий эътибор қаратилмоқда, – дейди **Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси В.Цветков.** – Мазкур қонунда назарда тутилаётган нормалар хусусий мулкни ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш барча сиёсий партиялар фракцияларининг фаол иштирокида ўтди, билдирилган фикрлар инобатга олинди, бу эса қонунни янада такомиллаштиришга ва унинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига оид таъсирчан механизмларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Қуйи палата депутатлари ўз ишларини **"Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш билан давом эттирдилар.

Чунончи, қонун лойиҳасида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Лизинг тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига тузатишлар киритиш назарда тутилмоқда. Бу 2017 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг тасдиқланган концепцияларини амалга ошириш, қонун ҳужжатларидаги айрим нормаларнинг аниқлаштирилиши ва бир хил маънода қўлланилишини таъминлаш бўйича ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқдир. Шунингдек, ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилгандир.

Депутатлар мазкур қонунларни қабул қилиш ва Олий Мажлис Сенатига кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисида қарорлар қабул қилдилар.

Амалий мулоқот чоғида парламент қуйи палатасининг депутатлари **"Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"**ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар.

Таъкидландики, ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқларини уларнинг маҳсулот белгиларидан инсофсиз рақобатчилар томонидан фойдаланилишидан ҳимоя қилиш даражасини сифат жиҳатдан ошириш, тадбиркорлик субъектларига рўйхатга олинган товар белгилари тўғрисидаги ахборотлардан жадал фойдаланиш, суд қарорларини қабул қилиш чоғида товар белгисини инсофсизлик билан рўйхатдан ўтказилишидан тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишда якуний қарорнинг янада аниқ ва бир хилда ифодаланишини таъминлаш имконини беради. Бундан ташқари, товар бозорларида носоғлом рақобат ҳолатларига қарши янада самаралироқ курашиш ва бундай ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этиш жуда муҳимдир. Нормалар интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқининг халқаро амалиётига мувофиқлаштирилган.

– Қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида мазкур лойиҳа профессионал ҳамжамият билан, шу жумладан, Интеллектуал мулк агентлиги, Давлат рақобат қўмитаси, патентчилар ва тадбиркорлик субъектларининг вакиллари иштирокида муҳокамадан ўтказилди, – дейди **Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси П.Свешников.** – Бу зарур таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди ва пировардида ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда ушбу таклифлар ва тавсиялар инобатга олинди.

Шунингдек, мажлисда депутатлар **"Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"**ги ва **"Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига эътиборни қаратдилар.

Таъкидландики, мазкур тузатишлар рухсат бериш тусидаги лицензиялар ва ҳужжатларни қайта расмийлаштириш тартибини такомиллаштиришга ва шу билан тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши рухсат бериш тусидаги лицензиялар ва ҳужжатларни қайта расмийлаштириш тартибини соддалаштиришга ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги ноаниқликларни бартараф этишга хизмат қилади.

– Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги ва тадбиркорлик соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилди, – дейди **Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси С.Исмоилов.** – Таҳлил шуни кўрсатадики, ушбу қонун ҳужжатларида берилган лицензияларни ва рухсат бериш тусидаги ҳужжатларни қайта расмийлаштириш масаласини тартибга солиш соҳасида муайян камчиликлар мавжуд. Шунинг учун ҳам ушбу қонун ўз вақтида қабул қилинмоқда ва у мазкур соҳадаги муносабатларни йўлга қўйишни тартибга солиш имконини беради.

Мажлис қизиқарли баҳс тарзида ўтди, бу эса ушбу ҳуқуқий ҳужжатларни ҳар томонлама муҳокама этиш имконини берди. Парламент вакиллари Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллиги арафасида Фарғона вилоятининг Фарғона тумани Шоҳимардон қишлоғида янги шифохона фойдаланишга топширилди. Шифохонада шошилинч ёрдам, жарроҳлик, ички касалликлар, туғруқ бўлимлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, янги бўлимлар энг замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлангани касалликларни ўз вақтида аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ва самарали даволашда муҳим аҳамият касб этади.

● Урганч олимпия захиралари коллежида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан "Конституция – бахтимиз пойдевори" шиори остида ташкил этилган тадбирда ўқитувчилар, спортчи ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси Элликқалъа тумани бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги имконияти чекланган болалар учун 70-ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабига қарийб 36 минг долларлик ўқув, мусиқа, спорт анжомлари ва турли тиббий жиҳозлар топширилди. Мазкур лойиҳа Жанубий Кореянинг "Siloam Center For The Blind" хайрия ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилган бўлиб, ҳамкорликдаги дастурда яна бир неча ихтисослаштирилган мактабларга дори-дармон, мультивитамин, тиббий анжомлар, ногиронлик аравачалари, спорт инвентарлари тақдим этилиши режалаштирилган.

ЖАҲОНДА

● БМТнинг аҳолишунослик бўлими ахборотига кўра 2016 йилда ер юзи аҳолиси 80,8 миллион кишига ўсгани ҳолда жорий йилда жами аҳоли сони 7,433 миллиардга етди.

● Украинанинг Planexta жамоаси инсон руҳий ҳолатини унинг кардиограммаси ёрдамида аниқловчи билакузук – Sence`ни яратди. Қурилма ихтирочилари Sence`ни дунёдаги энг аниқ фитнес-трекер деб атамоқдалар.

● Googlening DeepMind бўлинмаси мутахассислари лаблар ҳаракатига қараб сўзларни англай оладиган дастурий таъминот яратишди. У ўзига ўхшаш дастурлар орасида аниқлик даражаси энг юқори – 46,8 фоиз эканлиги билан ажралиб туради. Таққослаш учун мутахассислар одамлар иштирокида тажриба ўтказишди ва уларнинг лаблар ҳаракати бўйича нутқнинг 12 фоизини англай олишга қодир эканлиги аниқланди.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг азалий орзу-умидларини ўзида мужассам этгани билан тарихий аҳамиятга моликдир. Зеро, бу олий ҳужжат халқимиз ҳаётида, унинг улкан яратувчанлик, бунёдкорлик ишларида ҳар томонлама ҳуқуқий асос бўлиб келмоқда. Асосий Қонунимиз ҳуқуқий демократик давлатнинг талабларига ва мезонларига шунингдек, халқаро андозаларга тўла-тўкис мос келиши билан эътиборга моликдир.



КОНСТИТУЦИЯ – АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Маълумки, ҳар бир давлатнинг Конституцияси жамиятдаги барча ислоҳотларнинг туб негизини ташкил этади, унинг асосида давлат ва жамият доимий равишда такомиллашиб боради. Шу маънода, давлат ва жамият тараққиётининг нечоғлик даражада эканлигини унинг Конституцияси орқали билиб олиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жамиятимиз ривожининг сиёсий ва Конституциявий мақсади этиб белгиланди.

Аввалambор, ҳуқуқий демократик давлат ҳақида шуни айтиш керакки, унда ҳокимиятнинг барча бўғинлари фақат халқ иродасини ифодалайдиган қонунгагина бўйсунади, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлади, мамлакат барча фуқароларининг ҳуқуқлари тўла-тўкис кафолатланади, ҳуқуқий маданият энг юксак даражада бўлади. Фуқароларнинг давлат олдидаги масъулияти каби давлатнинг ҳам фуқаролар олдидаги масъулияти таъминланади. Инсон манфаатлари, унинг орзу-истаклари, ҳуқуқ ва эркинликларининг даҳлсизлиги Бош Қомусимиз доирасида мустаҳкамлаб қўйилганлиги, қолаверса, ҳуқуқий демократик давлатнинг асослари аниқ ва равшан ўз ифодасини топганлиги билан характерлидир.

Ўтган йиллар мобайнида Конституциямизнинг мустаҳкам негизлари асосида яратилган мукаммал қонунлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, уларнинг давлат бошқарувидаги ролини янада оширишда Конституциямизнинг аҳамияти беқиёсдир. Зеро, инсон эртанги кунига ишониб яшаса, унинг ҳуқуқий асослари кафолатланган бўлса, у нафақат жамият тараққиётининг юксалишида, балки ўзининг шахсий ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришларни амалга оширади.

Конституция келажаги буюк Ўзбекистон учун, унинг шижоатли, ватанпарвар халқи учун камарбаста бўлиб, Ватан ва халқ равнақи йўлида ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларидаги йўналишларни белгилаб беришда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Асосий Қонунимиз мамлакатимиз барча фуқароларининг Қонун олдида тенг эканлигини эътироф этганлиги билан характерланади. Хусусан, Бош Қомусимизнинг 18-моддасида шундай дейилади: "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт". Бундан кўриниб турибдики, Конституцияда фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар тенглиги эътироф этилган ва у қонун билан мустаҳкамланган. Демак, қонун ҳамма учун баробар бўлиб, шунинг баробарида ҳамма унга бўйсуниши шарт. Зеро, қонун устуворлиги мавжуд бўлган жойда давлат ҳам, халқ ҳам бундан манфаатдордир.

Шунингдек, Конституцияда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари ҳам ўз аксини топган. Хусусан, 44-моддада шундай дейилади: "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади".

Ушбу моддадан кўриниб турибдики, мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла кафолатланган бўлиб, бу ўз навбатида инсон ҳақ-ҳуқуқлари ишончли тарзда таъминланганлигидан, қолаверса, инсон ва унинг қадр-қиммати энг олий қадрият ҳисобланиб, Конституциянинг инсонпарварлик, адолат ғоялари билан суғорилганлигидан далолатдир. Конституцияда аксини топган ушбу тамойиллар ўз моҳиятига кўра ҳуқуқий давлатнинг энг асосий талабларини ўзида мужассам этган. Мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларига оид меъёрий қонунлар яратилмоқда ва ҳаётга изчил татбиқ этилди. Энг асосийси, Конституциявий меъёрлар асосида қабул қилинган ва жорий этилган қонунлар инсон ва жамият манфаатларига йўналтирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бошланғич саҳифаларидан бошлаб мустақиллик ғоялари билан йўғрилган бўлиб, жаҳондаги энг илғор давлатларнинг Конституциявий амалиётига тўла-тўкис мос келади. Унинг асосий мақсади ҳам мустақил юртимизни дунёнинг энг етук давлатлардан бирига айлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, кўп миллатли республика аҳолисини ягона Ватан, ягона мақсад, ягона ғоя теварагида жипслаштиришдан иборатдир.

Юртимизда қонунларнинг устуворлиги ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий талаби ва тартибларидандир. Мамлакатимиз фуқароларининг қонунларга қатъий амал қилиши мажбурий ҳисобланиб, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг энг зарур шарти бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, ҳуқуқий демократик давлатнинг тамойиллари кўп миллатли халқимизнинг асрлар давомида шаклланган анъаналари, урф-одатлари, миллийлиги, бой маданий меросини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бу айнан давлат ва халқ манфаатларининг уйғунлигидан далолатдир. Жамият ва халқ манфаатлари уйғунлашган жойда Ватан равнақи юксалиб халқ фаровонлиги ошиб боради.

Асосий Қонунимизда Ватанимиз ҳар бир фуқаросининг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланиши баробарида унинг бурчлари ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Конституциянинг 49-моддасида шундай дейилади: "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир". Дарҳақиқат, мамлакатимиз миллий бойлигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уни кейинги авлодларга етказиш ҳар бир фуқаро учун муҳим аҳамиятга эга бўлмоғи керак. Зеро, авлодлар тақдирида масъул бўлиш ҳар биримизнинг инсонпарварлик бурчимиз бўлиб, шунинг баробарида тарихий аҳамиятга молик вазифа ҳисобланади.

Республикамизда барча соҳаларда юз бераётган ижобий ўзгаришларда халқимизнинг инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик хусусиятлари муҳим роль ўйнаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Дарҳақиқат, жамиятда маънавий муҳитнинг соғломлиги ҳар бир инсоннинг ўз ишидан мамнунлиги ва эртанги кунга бўлган ишончнинг ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Бош Қомусимизда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш тўла-тўкис ўз аксини топгандир. Хусусан, Конституциянинг 22-моддасида шундай дейилади: "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди."

Бундан кўриниб турибдики, фуқароларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояси Асосий Қонунимизда ҳар томонлама мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликнинг барқарор бўлишини, шунингдек, инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари даҳлсизлигини таъминлайди.

Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг манфаатларининг давлат манфаатларидан устун экanлиги белгилаб қўйилганлиги юқоридаги барча фикрларнинг тасдиғидир. Зеро, Конституциянинг бош мақсади ҳам инсон манфаатларига қаратилган. Шу боис, унинг тарихий аҳамияти беқиёсдир. Бош Қомусимиз халқ манфаатлари йўлидаги ислоҳотларни янада изчиллик билан амалга ошириш борасида ҳуқуқий асослар яратиб берган бўлиб, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашида, мустақил Ўзбекистонимизни келажаги буюк давлат сари бошлаб борувчи Асосий Қонун бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳаким АЗИМОВ,
Тошкент Давлат юридик университети доценти,
тарих фанлари номзоди

ВАТАН – МУҚАДДАС САЖДАГОҲ

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улуғбек Ўқув СТК" унитар корхонасида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Ватанпарварликни чинакам эътиқодга айлантирайлик" мавзусида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбир Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, туман "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман Кенгаши "Ёшлар қаноти", хотин-қизлар қўмитаси туман бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш мақсадида ўтказилган тадбирда ташкилот ишчи-ходимлари, партиянинг масъул ходимлари, бошланғич ташкилот аъзолари, 1-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш маркази, туман "Нуроний" жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими вакиллари ва Ўзбекистон Миллий Паралимпия Ассоциацияси мураббийлари ҳамда ғолиблари қатнашди.

Унда сўзга чиққан "Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улуғбек Ўқув СТК" унитар корхонаси раҳбари Д.Норов, Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти Х.Лутфуллаев, туман "Нуроний" жамғармаси раиси И.Алимов, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари М.Эронов, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман Кенгаши раиси Д.Якубова ва бошқалар Ватан – саждагоҳ каби муқаддас, азизлиги, Ватан борки, ор-номус, қадр-қиммат бор, ғурур ва ифтихор, иймон-эътиқод мустаҳкам ва барқарорлиги, юртимиздаги тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидай асраш, ёшларимизни бу борада амалга оширилаётган эзгу ишларнинг муҳим давомчилари этиб тарбиялаш зиммамиздаги энг муҳим вазифа эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир давомида "Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улуғбек Ўқув СТК" унитар корхонаси фахрий педагоглари ҳамда Ўзбекистон Миллий Паралимпия Ассоциациясининг мураббийлари ва ғолиблари ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Тадбир сўнгида Паралимпия ғолиблари, ташкилотнинг ёш спортчилари ва фаол ходимлар қимматбаҳо совғалар ва партия томонидан ташаккурномалар билан тақдирландилар.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

I. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан хатланган, 2013 йил 27 ноябрь кунидаги 1-316/2013-сонли ижро варақасига асосан, "NERUDNIK" ҚК омборида сақланаётган: 1993 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/639WBA, бошланғич баҳоси – 5 845 966,05 сўм бўлган, "ВАЗ-21063" русумли техник носоз; 1994 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/238DAA, бошланғич баҳоси – 9 438 248,27 сўм бўлган, "Дамас" русумли техник носоз; 1998 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/949ZBA, бошланғич баҳоси – 11 250 474,75 сўм бўлган, "Дамас" русумли техник носоз; 2006 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95-72 ЕЦ, бошланғич баҳоси – 110 943 943,80 сўм бўлган, "LIEBHERR A 942N" русумли техник носоз; 2011 йил ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 6 320 885,54 сўм бўлган, "ЯД-50-ЕХ" русумли техник носоз юк ортувчи; 2005 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 49-89 ЕЦ, бошланғич баҳоси – 20 534 929,02 сўм бўлган, "ПК 33-01-00" русумли техник носоз юк ортувчи; 1989 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 22-59 ТИ, бошланғич баҳоси – 16 470 350,16 сўм бўлган, "Д-398 В-2 ДЗ-122А" русумли техник носоз автогрейдер; 2003 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 38-44 НЕ, бошланғич баҳоси – 63 177 094,38 сўм бўлган, "Хундай Робекс-1300" русумли техник носоз экскаватор; 2010 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19-49 НЕ, бошланғич баҳоси – 58 689 544,95 сўм бўлган, "LGB 680" русумли техник носоз экскаватор;

II. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан хатланган, 2013 йил 21 август кунидаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан, "Bek Baraka Biznes Agro" ФХ манзили бўйича сақланаётган: 1984 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 51-18 ЕР, бошланғич баҳоси – 6 987 985,42 сўм бўлган, "МТЗ-80" русумли техник носоз трактор; 1987 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 51-07 ЕР, бошланғич баҳоси – 6 893 121,42 сўм бўлган, "МТЗ-80Л" русумли техник носоз трактор; 1990 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 51-15 ЕР, бошланғич баҳоси – 6 151 066,55 сўм бўлган, "МТЗ-80У" русумли техник носоз трактор савдога қўйилмоқда.

III. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан хатланган, 2015 йил 26 июнь кунидаги 82-сонли ижро варақасига асосан, "Ўзкимёполимерсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган: 1979 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11Z0956, бошланғич баҳоси – 2 048 387,92 сўм бўлган, "ГАЗ-2401" русумли техник носоз; ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами йўқ, бошланғич баҳоси – 38 400 000 сўм бўлган, "юк ортувчи Кара" русумли юк кўтаргич савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2017 йил 12 январь куни соат 11:00 да ўтказилади

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 12 январь куни ўтказиладиган савдоларига 2017 йил 13 январь соат 16.00 гача) олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000900603278001, МФО: 01101, СТИР: 303877274. **Гувоҳнома № 009293.** Сайт: www.avtomegatrade.uz.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16 "А"-уй. Тел: (0371) 239-29-40.

"GALLANT BUSINESS" хусусий корхонаси мулкдорининг 2016 йил 5 декабрь кунидаги 16-сонли қарорига мувофиқ, корхонанинг устав фонди 10 034 135 760,00 сўм миқдоридан 1 000 000 000,00 сўм миқдорида камайтирилиб, янги устав фондининг миқдори 9 034 135 760,00 сўмни ташкил этади. Ариза ва мурожаатлар қуйидаги манзилда қабул қилинмоқда: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Катта Дархон кўчаси, 9-уй.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ЎРТА-МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ДИРЕКТОРЛИК ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Сергели политехника касб-ҳунар коллежи	Сергели тумани, Қанора кўчаси, 44-уй

Малака талаблари: Олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
5. Паспорт (нусхаси);
6. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
8. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

"Auto Gold Grant" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали томонидан "Тошкент оқшоми" газетасининг 22.11.2016 йилдаги 245-сонида берилган эълонда д/б 01931 РСА ўрнига д/б 01391 РСА деб ўқилсин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96.

СЕРГЕЛИ ПОЛИТЕХНИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқув ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосарининг малака талабларига касб-ҳунар коллежининг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот, 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи киради.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
1.Сўровнома (справка-объективка);
2.Таржимаи ҳол;
3.Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
4.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
5.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
6.3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
7.Паспорт (нусхаси);
8.Тавсифнома
9. Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

8-10 даража илиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **8 декабрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **8 декабрь** куни ҳаво ўзгариб тураги, ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6, кундузи —*

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси Офтальмология, болалар офтальмологияси кафедрасининг доценти Лола Джаноновна Бабаджановнинг волидаи муҳтарамаси

НАДЕЖДА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси Шошилинч педиатрия кафедраси профессори Зуҳра Султановна Умарованинг волидаи муҳтарамаси

ЗАКИЯ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси ректор ёрдамчиси, ассистент Умид Газиваевич Рахимгазиевнинг падари бузруквори

ГОЗИВОЙ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9224
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4637 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ